



**Ҳой Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидаги энг буюк оят қайси эканлигини биласизми?"- деб сўрадилар. Мен: "оятал курсий эканлигини"-, айтдим (Бақара: 255). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўксимга уриб: "Аллоҳ номига қасамки, (бу) илм сенга муборак бўлсин!"-, дедилар**

Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганлари ривоят қилинади: " Ҳой Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидаги энг буюк оят қайси эканлигини биласизми?"- деб сўрадилар. Мен: (Буни) Аллоҳ ва

Аллоҳнинг расули (мендан кўра) яхшироқ билишади!,- деб жавоб бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу аалайҳи ва саллам: "Ҳой Абу Мунзир, Аллоҳнинг китобидаги энг буюк оят қайси эканлигини биласизми?"- деб сўрадилар. Мен: "оятал курсий эканлигини"-, айтдим (Бақара: 255). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўксимга уриб: "Аллоҳ номига қасамки, (бу) илм сенга муборак бўлсин!"-, дедилар.

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳудан Қуръондаги энг улуғ оят ҳақида сўрадилар. Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳу бир оз тараддуд қилган бўлсаларда, охири унинг Оятул курсий эканини айтдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у айтган гапни тасдиқлаб, билим ва ҳикматга тўлишига ишора ўлароқ, Убай разияллоҳу анҳунинг кўксига уриб қўйдилар. Сўнгра, бу билимни қўлга киритишини осон қилиши учун, Аллоҳ таолога дуо қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65059>

